



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
2-сон



Шахноза Махмудовна Латипова Лизинг хизматларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишда қўлланилиши	74
Умид Холбоевич Холбоев Хизмат кўрсатиш соҳасида хизматлар самарадорлиги ва сифатини оширишга рақобатнинг таъсирини баҳолаш	79
Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Агросервисни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси	83
Нигина Маруповна Усманова Китоб савдосини самарали ташкил қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича айрим тавсиялар	87
Фарход Анварович Сафаров Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда инновацион жараёнларнинг аҳамияти	92
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Алишер Абдуганиевич Эшгаев Халқаро туризм бозорининг ривожланиш тенденциялари ва унда Ўзбекистоннинг иштироки	97
Shovqiddin Erkin o'g'li Abdurasulov Turizm rivojlanishi sharoitida “ekologik turizm” tushunchasining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati va xususiyatlari	102
Ollonazar Norbek o'g'li Allonazarov Mintaqada mehmonxona xizmatlari faoliyati ko'rsatkichlari tahlili	105
Адхам Итолмасович Рахматов Туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасига таъсир қилувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари	109
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Кичик тадбиркорлик ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги	115
Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова Мамлакатимиз худудларида оила хўжаликларининг таркибий тузилиши ва ўзгариши билан боғлиқ масалалари	119
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Sanjarbek Komiljon o'g'li Boyjigitov Marketing xizmati samaradorligini baholashning nazariy asoslari va amaliy ifodasi	125
Zulfiya Musayevna Usmanova Kadrlarni boshqarish mexanizmini takomillashtirish muammolari	129
Кахрамон Сайдуллаевич Махмудов Хизматлар сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг ўзига хос жиҳатлари	132
Shokhista Bahridin kizi Turdieva Specific features of the conceptual framework of social marketing	138
Diyor Haqberdiyevich Xolmamatov Ulgurji savdoda sotuvdan keyingi servisni rivojlantirishning marketing strategiyasi	142
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Азиза Махомадризовна Каримова Оценка современного состояния рынка и условия кредитования субъектов туристических услуг Республики Узбекистан	148

Шахноза Махмудовна Латипова – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси

ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИНИНГ АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Аннотация: мақолада атроф-муҳит муҳофазасининг бугунги кундаги долзарблиги, бу соҳани молиялаштиришда муқобил усул сифатида лизинг хизматидан фойдаланиш масалалари ёритилган. Шунингдек, соҳани лизинг хизматларидан фойдаланиб молиялаштиришнинг афзаллик ва камчиликлари ифодаланган. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда лизингдан фойдаланишга тўсқинлик қилаётган сабаблар ва уларни бартараф этиш бўйича илмий-амалий таклифлар бериб ўтилган.

Калит сўзлар: лизинг, атроф-муҳит муҳофазаси, лизинг объекти, кредит, ликвидлик, рентабеллик, экологик тоза технологиялар, “Яшил макон”.

Кириш. Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, бу борада ўтказилган таҳлил натижалари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат функцияларини амалга оширишда комплекс ёндашув ва стратегик режалаштиришнинг мавжуд эмаслиги, молиялаштириш манбаларини оптималлаштириш кераклигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир [1].

Атроф-муҳитнинг жорий ҳолати таҳлили, глобал ва минтақавий экологик муаммолар, янги экологик хавф-хатарлар мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қиладиган ҳамда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий жараённинг ажралмас қисми ҳисобланган 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Концепциясининг ишлаб чиқилганлиги бу соҳани молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Ана шундай шароитларда атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда лизинг самарали усуллардан бири сифатида майдонга чиқади. Мамлакатимизда 2021 йил якуни бўйича ЯИМда лизинг портфелининг улуши ханузгача кичик, яъни 0,8 фоизлигича қолмоқда. Асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибидаги улуши эса 1,1 фоизни ташкил қилмоқда [2]. Биздан фарқли ўлароқ, рус иқтисодчиларининг фикрича, иқтисодиёт субъектларининг асосий капиталга йўналтирган инвестициялар таркибида лизингнинг улуши 40 фоизгача етиши, бунинг натижасида эса лизинг бозори яқин истиқболларда юқори даражада ўсишга эришиши мумкин [3].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида лизингдан фойдаланиш масалалари иқтисодчилар томонидан тадқиқ қилиниши керак бўлган мавзу саналади.

Лизинг хизматлари, уни тартибга солувчи қонунчилик ҳамда молия бозоридаги аҳамиятига оид муносабатлар иқтисодчиларимиз Ғозибеков Д.Ф., Собиров О.Ш., Муминов А.Г., Кулжонов О.М. [4], Э.Ғ.Набиев, М.Д.Марпатов [5], Ш.У. Хайдаров, Х.А. Ортиков, Х.А. Тухсановлар [6] томонидан ёритиб ўтилган.

Лизинг муносабатларининг асосини молиявий муносабатлар, шу жумладан кредит ва ижара муносабатлари йиғиндиси ташкил этиши, шулар ёрдамида замон ва маконда капиталнинг ҳақиқий қийматини сақлаш ёки кўпайтириш мақсадида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш жараёни содир бўлиши биринчи гуруҳ олимлари томонидан илгари сурилган бўлса, иккинчи гуруҳ олимлари эса лизингни ижара шартномаси сифатида баҳолаб, унинг ҳуқуқий жиҳатларига эътибор қаратишган. Лизингни

таърифлашда дастлаб унинг мулкый муносабатлар эканлигини эътиборга олиб, бу таърифда унда иштирок этаётган барча субектларнинг мавқеи ва манфаатлари ўз ифодасини топиши кераклиги иккинчи гуруҳ олимлари томонидан ифодаланган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда лизингдан фойдаланиш масалалари хорижий олимлар томонидан тадқиқ қилина бошланганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, рус олими В.Д.Газман томонидан Европада қайта тикланувчи энергетика соҳасида лизинг статистикаси, атроф-муҳит муҳофазасида лизингдан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методологияси ишлаб чиқилган [7].

Атроф-муҳит муҳофазаси ва чиқиндиларни қайта ишлашда лизинг механизмидан фойдаланиш масалаларига К.П.Колотырин [8], А.С.Яшкин [9], С.М. Фролов, В.В. Могильныйлар [10] томонидан ҳам тўхталиб ўтилган. Саноат корхоналарини экологизациялаш масалалари С.А.Маковецкий илмий ишларида ўрганилган бўлиб, у асосий эътиборни ишлаб чиқаришни экологизациялашни такомиллаштириш моделини ишлаб чиқишга қаратди [11].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида анализ ва синтез, комплекс таҳлил ҳамда қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда ҳукуратимиз олдида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришда узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилиш масаласи тобора долзарблашиб бормоқда. Атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ кўплаб инвестицион лойиҳалар молиявий ресурсларнинг тақчиллиги сабабли амалга оширилмай келмоқда. Бу эса корхоналаримизнинг экологик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришда муқобил молиялаштириш манбаларини кидириб топишни талаб этади.

Гарчи сўнгги йилларда тижорат банкларининг кредитлаш билан боғлиқ операциялари ҳажми ошиб бораётган бўлса-да, улар кўпгина ҳолатларда қисқа муддатли истеъмол кредитларини ажратишни афзал кўришмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш учун ажратиладиган кредитлар узоқ муддатли хусусиятга эга эканлиги ва экологик рискларни олдиндан кўра билмаслик ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш объектлари қийматининг юқорилиги бу соҳани молиялаштиришда муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Хорижий мамлакатларда бу соҳада банклар кредитлар бўйича етарлича гаров таъминотига эга бўлмаслиги, ажратилаётган маблағ миқдорининг юқорилиги сабабли кредит ажратишдан воз кечишлари ёки қаттиқ шартлар (мисол учун, юқори фоиз ставкаси)дан фойдаланишлари [12] натижасида, кредит ресурсларидан фойдаланиш самарасиз бўлиб қолмоқда.

Лизинг ва кредит муносабатлари иқтисодий мазмуни жиҳатидан бир-бирига яқин бўлганлиги сабабли ўзаро рақобатга киришади. Саноат корхоналарининг атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ фаолиятида лизинг ва кредит механизмларидан фойдаланишнинг таққослама таҳлилини кўйида келтириб ўтамыз:

1-жадвал

Молиялаштириш усуллари ва кредитнинг ўзига хос хусусиятлари [13]

Асосий жиҳатлари	Молиялаштириш усуллари	
	Кредит	Лизинг
Жалб қилинган маблағлар ҳисобига исталган товарларни харид қилиш имкони мавжудлиги	ҳа	ҳа
Техник воситаларни олиш учун корхона ўз маблағларини тежаб йиғиш зарурати борлиги	йўқ	йўқ
Инвестицион лойиҳанинг амалга оширилиш билан боғлиқ харажатлар таннархга киритилиши	йўқ	ҳа
Харид қилинаётган мулкка нисбатан 2 баробаргача	йўқ	ҳа

тезлаштирилган амортизация ҳисоблаш имкони борлиги		
Харид қилинаётган асосий воситалар мулк солиғини тўламаслик имтиёзига эгаллиги	йўқ	ҳа
Мулк (маблағ)ни қўлга киритиш учун қўшимча гаров таъминотининг талаб қилиниши	ҳа	йўқ
Лойиҳани молиялаштиришда маблағлар миқдорига нисбатан чеклов қўйилиши	ҳа	йўқ

Экологик инвестицияларни молиялаштириш шаклини танлашда миқдорий баҳолаш ҳар бир шакл (кредит ёки лизинг) бўйича самарадорликни ҳамда харажатларни таққослашни талаб этади. Жумладан, лойиҳани лизинг орқали молиялаштиришда шартноманинг молиявий модели таркибида лизингдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади (1-формулага қаралсин) [14]:

$$ИРД_n > P_{\dot{y}a}, \quad (1)$$

бу ерда: $ИРД_n$ – инновацион лизинг асосида олинган корхона активларининг кутилаётган ички рентабеллик даражаси;

P_{np} – корхона ўз активларининг (лизингсиз) кутилаётган рентабеллиги.

Бундай баҳолаш лизинг операциялари бўйича пул оқимларининг келтирилган қийматини худди шу операция учун фойдаланилиши мумкин бўлган банк кредити бўйича пул оқимларининг келтирилган қиймати билан таққослаш орқали амалга оширилади. Шу ўринда, атроф-муҳит муҳофазаси учун мўлжалланган ускунани лизинг асосида олишнинг лизинг олувчи (саноат корхона)лар учун ижобий жиҳатларини кўриб ўтамиз:

- саноат корхоналари лизингга олинган мулкка тезлаштирилган амортизация ҳисобланиши сабабли атроф-муҳитни муҳофаза қилишда фойдаланадиган ускуналарни қисқа вақт ичида янгилаб олиши мумкин. Амалдаги қонунчиликка асосан, айрим мулкларга учга тенг бўлган тезлаштирилган амортизация коэффициенти қўлланилиши мумкин. Бунинг натижасида лизинг олувчи шартнома муддати якунида мулкни энг кичик баланс қийматида сотиб олиш имкониятига эга бўлади;

- лизинг олувчи қонуний йўл билан солиқ базасини камайтириши мумкин. Лизинг тўловларининг таннарх таркибига олиб борилиши фойда солиқ ставкасини камайтиради. Тезлаштирилган амортизациянинг қўлланилиши эса мол-мулк солиғининг ҳам камайишига олиб келади. Солиқ кодексининг 411-моддасига асосан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва санитария-тозалаш мақсадлари, ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектлар мол-мулк солиғи бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланмайди [15];

- лизинг схемаси шундай ташкил этилганки, у лизинг олувчи фаолиятдан молиявий ресурсларнинг чиқиб кетишини талаб этмайди;

- гарчи лизинг тўловларини қоплаш узок муддатга мўлжалланган бўлса-да, илк лизинг тўловининг амалга оширилиши билан лизинг мулкидан фойдаланиш мумкин бўлади;

- лизингга олинган мулк лизинг олувчининг ҳақиқий эҳтиёжига мос келади, бу эса мулкдан мақсадсиз фойдаланишнинг олдини олади;

- лизинг олувчи қарз олиш имконияти бўйича захираларни сақлаб қолганлиги сабабли келажакда тижорат банкларида кредит учун мурожаат қилиши мумкин бўлади;

- лизинг объектининг йўқотилиши ёки шикастланиши билан боғлиқ риск лизинг берувчининг зиммасида бўлганлиги сабабли, кўпгина ҳолатларда объектни таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатиш ҳам у томонидан амалга оширилади. Хусусан, лизинг объекти мураккаб бўлиб, лизинг олувчи лизинг объектни таъмирлаш бўйича имкониятларга эга бўлмаса, объект лизинг берувчи томонидан таъмирланади;

- лизинг берувчи ҳуқуқий жиҳатдан лизинг объектининг эгаси бўлганлиги сабабли лизинг олувчи мулкка эгалик қилиш билан боғлиқ харажатлардан озод бўлади;

- лизинг операциялари, қоида тариқасида, қатъий белгиланган фоиз асосида амалга оширилганлиги сабабли лизинг олувчини инфляция тебранишлардан химоя қилади. Бу

ҳолат, айниқса, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш корхоналарида катта миқдордаги харажатларнинг кузатилиши сабабли жуда ҳам долзарб ҳисобланади;

- лизинг хизмати корхонага атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг замонавий маҳаллий ёки хорижий ускуналарни қулай бўлган нархларда ва кейинчалик унга хизмат кўрсатиш шарти билан қўлга киритиш имконини беради;

- халқаро лизинг операцияларида, одатда лизинг олувчи лизинг берувчи мамлакат қонунчилиги асосида бир қатор солиқ имтиёзларини қўлга киритишади (тезлаштирилган амортизация, инвестицион солиқ имтиёзлари ва ҳ.к.);

- лизинг шартномасида қайд этилган муддат тугаши билан лизинг олувчи лизинг объектини қолдиқ қийматида сотиб олиши (ёки текин берилиши) мумкин бўлади.

Гарчи бугунги кунда лизинг хизматлари такомиллашиб борса-да, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ушбу механизмдан фойдаланиш даражаси ниҳоятда пастлигича қолмоқда. Жумладан, мамлакатимизда лизинг муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни, Фуқаролик ва Солиқ кодекслари ҳамда халқаро лизинг бўйича УНИДРУА Конвенцияси билан тартибга солинади. “Лизинг тўғрисида”ги қонун [16] ва Фуқаролик кодексиди [17] лизинг берувчиларнинг ноижорат ташкилотлари билан фаолиятлари чекланган, яъни лизингга олинган объект тадбиркорлик мақсадида фойдаланилиши белгилаб ўтилган. Бу эса атроф-муҳит муҳофазасида лизинг хизматидан фойдаланишни чеклаш учун асос бўлади.

Маълумки, лизинг шартномасини тузишда лизинг олувчини қизиқтирадиган асосий масалалардан бири лизинг объектнинг ликвидлиги ҳисобланади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда фойдаланиладиган ускуналарнинг ликвидлик даражаси нисбатан пастроқ. Ушбу ускуналар бўйича иккиламчи бозорнинг ривожланмаганлиги сабабли лизинг берувчининг қўшимча гаров таъминотини талаб қилишига олиб келади.

Яна бир энг муҳим сабаблардан бири лизинг бўйича шартномани расмийлаштиришда ҳужжатлаштириш жараёнининг мураккаблиги саналади. Бу эса миқдорларнинг лизинг хизматидан фойдаланишни рад этишларига сабаб бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ускуналари бозори ҳақидаги маълумотларнинг камлиги, бунда маҳаллий ускуналардан кўра импорт ускуналаридан кўпроқ фойдаланилаётганлиги соҳада лизингни жорий этиш учун асосий сабаблардан бири бўлиши мумкин. Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2022 йилнинг 2 февраль куни чиқиндилар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш ва ҳудудлардаги экологик ҳолатни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича 2022 йилдаги устувор вазифалари бўйича маиший чиқинди тўплаш қамровини 95 %га, қайта ишлаш ҳажминини 40 %га етказиш вазифаси қўйилган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасида республикамизда чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнини қўллаб-қувватлаш учун молиявий ва инфратузилмавий муаммоларнинг мавжудлиги ҳалигача сақланиб қолмоқда. Мамлакатимиз ҳудудида 2019 йил ҳолатига кўра, умумий қуввати йилига 894 минг тонна қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлайдиган 183 та корхона мавжуд. Таққослаш учун, Францияда 2.3 млн тонна қувватга эга 300 дан ортиқ корхона фаолият юритади [18].

Кўриниб турибдики, лизинг бу соҳада фойдаланиладиган молиявий инструмент эмас. Бунини қуйидаги диаграммадан ҳам кўриш мумкин.

Юқорида келтирилган муаммолар уларни бартараф этиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда лизинг хизматидан фойдаланишни йўлга қўйиш учун керакли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги фикрлар асосида мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида лизинг муносабатларини ривожлантириш мақсадида қуйидаги таклифларни амалга ошириш лозим:

- энг аввало, лизингни тартибга солувчи қонунчилик базасини такомиллаштириш;

1-диаграмма

2022 йилнинг 1-ярим йиллигида асосий воситалар турлари бўйича лизинг битимларининг тақсимланиши [19].



- лизинг бўйича бошланғич бадал ва фоиз ставкасини пасайтириш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ускуналари лизингининг ривожланиши учун зарур бўлган инфратузилмани шакллантириш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларига инвестициялар (жумладан, лизинг шаклида) ортиши учун шарт-шароитлар яратиш ва экологик тоза технологиялардан фойдаланишни ривожлантириш;
- диверсификацияланган бож сиёсатини юритиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ускуналари лизинги соҳасида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ускуналарини ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- инновацион технологик жараёнлар ва методикаларни ишлаб чиқиш – экологик тоза технологиялар, ишлаб чиқаришлар, хом ашё, материалларнинг турлари, маҳсулотлар ва ускуналарнинг илмий ишланмаларига, экотизимларнинг заифлигини ва табиий муҳит ифлосланиш даражасининг аҳоли саломатлигига ва атроф-муҳит объектларига таъсирини тадқиқ этишга инвестицияларни лизинг шаклида киритиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/ru/docs/20596>.
2. Ўзбекистон Республикаси Лизинг уюшмасининг лизинг бозорининг 2022 йил биринчи чорак якуни бўйича маълумотлари.
3. Романовский, Р.Ю. Рынок лизинга: некоторые итоги и перспективы // Банковское дело. 2008. № 8. С. 19-21.
4. Ғозибеков Д.Ф., Собиров О.Ш., Муминов А.Г., Кулжонов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. Т.: Фан ва технология, 2004. 87 б.
5. Набиев Э.Ғ., Марпатов М.Д. Лизинг ғояси, тарихи, ҳуқуқий асослари ва амалиёти. Т.: УАЖБНТ, 2004. 80 б.
6. Ҳайдаров Ш.У., Ортиқов Х.А., Тухсанов Х.А. Лизинг: тан олиш, баҳолаш ва унинг ҳисоби. Т.: НОРМА, 2006.
7. Газман В. Д. Лизинг для возобновляемой энергетики. Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2019. – 414, [2] с.
8. Колотырин К.П. Лизинговые инструменты в сфере обращения с отходами потребления // Экономика природопользования. 2008. № 2. С. 16-25.

9. Яшкин А.С. Направления совершенствования финансового обеспечения природоохранных мероприятий // Финансы и кредит. 2009. № 42. С. 73-76.
10. Фролов С.М., Могильный В.В. Лизинговое финансирование внедрения природоохранных технологий на предприятиях. <https://www.researchgate.net/publication/323415046>
11. Маковецкий С.А. Лизинговая модель стимулирования экологизации промышленных предприятий // Вестник института экономических исследований. 2019, № 3(15)
12. Колотырин К.П. Лизинговые инструменты в сфере обращения с отходами потребления // Экономика природопользования. 2008. № 2. С. 16-25.
13. Zaynalov J.R., Latipova Sh.M. Lizing va lizing operatsiyalari. O‘quv qo‘llanma. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2022. – 256 b.
14. Mahmudovna L. S. CHARACTERISTICS OF INNOVATIVE LEASING OPERATIONS IN THE LEASE MARKET // ResearchJet Journal of Analysis and Inventions. – 2021. – T. 2. – №. 7. – С. 1-9.
15. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (янги таҳрири) 2019 йил декабрь. <https://lex.uz/docs/4674902>
16. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни. Т., 1999. 14 апрел. 756-I-сон.
17. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. <https://lex.uz/docs/180552>
18. <https://xs.uz/uzkr/post/chiqindilarni-qaqta-ishlash-dolzarb-maummo-va-takliflar>
19. Ўзбекистон Республикаси Лизинг уюшмаси расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди. <https://ula.uz/>.

Ш.Латипова	Sh.Latipova
Использование лизинговых услуг в защите окружающей среды	Use of leasing services in environmental protection
<p>Аннотация: в статье освещена важность защиты окружающей среды на сегодняшний день, применения лизинговых услуг, как альтернативного способа финансирования данной сферы. В частности, показаны преимущества и недостатки финансирования сферы посредством лизинговых услуг. Представлены причины, сдерживающие применение лизинга в защите окружающей среды и научно-практические предложения по их устранению.</p> <p>Ключевые слова: лизинг, защита окружающей среды, объект лизинга, кредит, ликвидность, рентабельность, экологически чистые технологии, «Зеленое пространство»</p>	<p>Abstract: the article highlights the importance of environmental protection today, the use of leasing services as an alternative way to finance this area. In particular, the advantages and disadvantages of financing the sphere through leasing services are shown. The reasons hindering the use of leasing in environmental protection and scientific and practical proposals for their elimination are presented.</p> <p>Keywords: leasing, environmental protection, leasing object, credit, liquidity, profitability, environmentally friendly technologies, "Green Space"</p>

Умид Холбоевич Холбоев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШГА РАҚОБАТНИНГ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Аннотация: мақолада корхоналарни беқарор ва ўзгарувчан ташқи муҳитнинг рақобат шароитларига мослашувчанлиги ва унда қандай ишлаб чиқариш омилларини қўллаш орқали иқтисодий потенциални тўлиқ номоён этиш бўйича фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: корхона рақобатбардошлиги, Рақобат ромби, бизнес самарадорлиги, корхона рақобатбардошлиги, товар рақобатбардошлиги, инфратузилма, стратегик жойлашиш.

Кириш. Мамлакатнинг глобал миқёсдаги рақобатбардошлиги унинг алоҳида корхоналари, тармоқлари ва ҳудудлари рақобатбардошлигидан келиб чиқиб белгиланади.

Мамлакат рақобатбардош бўлиши учун ушбу тизимнинг барча даражаларининг ўзаро таъсирда бўлиши зарур. Мамлакатнинг рақобатбардошлиги унинг тармоқлари таркиби, хусусиятлари ва унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизмат)ларга боғлиқ шунда бу мамлакат бошқа мамлакатлар билан иқтисодий рақобатда рақобатлаша олади. Миллий

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023